

Шанба окшоми Энди Донаван олтинчи мавзедаги уйига келиб, янги кўшниси—ёшгина Конвей хоним билан танишди. У одмигина кизгиш кўйлак кийиб олган-ди. Икки хафта ўтиб, Энди йўлда тамаки тутатиб кетаркан, оркасида шип-шип товуш эшитилди. Ўгирилиб каради-ю, кўзини узолмай колди: Конвей хоним! Кўйлаги хам, шляпаси хам коп-кора. У кадамини секинлатиб, корамтир кўлқопини кийди. Сочлари силлик таралиб турмакланган, чиройли юзларидан нур ёгиларди.

— Файзли окшом, Конвей хоним,— деди йигит.

— Жуда-жуда файзли, жаноб Донаван,— деди Конвей хоним хўрсиниб.

— Мен унинг сизга кариндошлигига ишонмайман. Жудолик бўлганига хам,— деди Донаван.

— Ўлим хак,— деди Конвей хоним каловланиб.— Тўгри, кариндошимиз эмас-у, аммо... Биласизми, мен сизни дардимга шерик килмокчи эмасман, жаноб Донаван.

— Нимага, Конвей хоним?! Лекин, кечирасиз-у, ҳеч ким сизга менчалик хамдард бўлолмайди. Рухсат этсангиз, бог сайрига таклиф килсам.

— Раҳмат, жаноб Донаван. Илтифотингизни қабул киламан, агар хамрохингизнинг калби гам-хасратга лиммо-лимлигини хис килсангиз, албатта.

Улар истирохат богининг очик дарвозаси томон йўл олишди. Хилватроқдаги скамейкага келиб ўтиришди.

— У менинг севганим эди,— деди Конвей хоним нафас ростлаб.— Биз келгуси баҳор тўй килиб, турмуш курмокчи эдик. Граф эди. Мол-давлати боис Италия билан боғланганди. Унинг исми-шарифи граф Фернан-до Маззини. Дадам Италияга кочиб кетишимизга каршилиқ килди. Шунга карамай, келгуси баҳор тўй килишимизга розилиқ берди. Фернандо тўй тадоригида Италияга кетганди... Уч кун олдин келган мактубда айтилишича, Фернандо хаво шарида бахтсиз тасодифга учраб халок бўлибди... Суратини туморимда асраб юрибман. Уни ҳеч кимга кўрсатмаганман, лекин сизга кўрсатаман, чунки сизнинг самимий дўстлигингизга ишонаман.

Конвей хоним туморини очиб, суратни кўрсатди. Энди кизикиб унга узок термулди.

— Буни у Италияга кетаётганида, кечаси такдим этганди.

— Конвей хоним, кейинги якшанба Конейда бўладиган кечага мени таклиф этсангиз жуда хурсанд бўлардим.

Бир ойдан сўнг улар бошларига тушган кулфатдан кўни-кўшнилари оғох этдилар. Конвей хоним мотам тутишда давом этди.

Кунларнинг бирида кечкурун иккови яна шаҳар боги-нинг ўша хилват жойида бирга ўтириб қолишди. Жаноб Донаван. кун бўйи мавхум кайгу огушида эди.

— Сизга нима бўлди, Энди, бугун жуда хафа кўринасиз?

— Ҳеч нарса, Магги.

— Мен сизни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаганман. Гаровлашиб айтаманки, сиз бошқа киз хақида ўйлаяпсиз. Уни севаркансиз, нега ёнига бормаисиз?

— Кейин айтаман,— деди Энди.— Лекин сиз мени тушунмайсиз. Айтинг-чи, Майк Сюзливан деган одам хақида эшитганмисиз? Хамма уни Катта Майк Сюзливан деб чакиради.

— Йўқ, эшитмаганман,— деди Магги хотиржам.— агар у сизни шу ҳолга солган бўлса, эшитишни хохламайман хам.

— Катта Майк — менинг дўстим. Уни бугун кўрдим ва икки хафта ичида ўйланишимни

айтдим. «Энди,— деди у,— менга таклимфнома юбор, тўйингга албатта келаман». У айтганининг устидан чикадиган йигит. Лекин, Магги, Катта Майкнинг тўйимизда катнашганидан кўра, бир кўлимни кесиб ташлаганим афзал. Шу боис бу окшом кайфиятим носоз. Унинг тўйга келмагани маъкул. Буни сиз сўраманг, мен айтмай.

— О,— деди Магги,— бу, менимча, сиёсатга боғлиқ масала бўлса керак?

— Магги,— деди Энди унинг кўзларига караб,— сиз уни... граф Маззинини ўйлаганчалик мени ўйлайсизми?

У анча вақт кутди, бироқ жавоб бўлмади. Тўсатдан киз унинг елкасига бош қўйиб йиглай бошлади.

— Энди,— дея шивирлади Магги,— мен сизни алда-гандим. Сиз менга ҳеч қачон ўйланмайсиз, севмайсиз ҳам. Лекин мен сизга дардимни айтсам, Энди, граф деган гап йўқ. Хаётимда ҳеч қачон севган йигитим бўл-маган. Хамма кизларнинг йигити бор эди. Кизлар йигитлари хақида гаплашишарди ва менга улар янада кўпроқ севадигандек туюларди. Нихоят, Энди, бир сураткашдан шу расмни сотиб олдим, туморимга солдим ва граф хақидаги, унинг ўлими хақидаги хикоямни тўқидим. Ва ниҳоят, бева қаби қора қийдим. Ҳеч ким ёлгончини севмайди, сиз мени ташлаб кетасиз.

У Эндининг кўлини қўйиб юбориш ўрнига маҳкамрок ушлади ва ноз ила жилмайиб қўйди.

— Нахот айриламиз, Энди?

— Мана,— деди Энди,— бор гапни айтдингиз, Магги.

— Энди,— деди Магги эрқаланиб,— граф хақидаги хикоянинг хаммасига ишондингизми?

— Йўғ-э, унчалик эмас,— деди Энди сигарет қутисига кўлини чўзиб.— Тумор ичидаги сурат — Катта Майк Сюзливанинг сурати-ку, ахир!

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси